

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

338 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида

Республикага айрим турдаги маҳсулотларни олиб киришни янада тартибга солиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 5 августдаги ПҚ–1169-сонли қарорига 2014 йил 1 августдан иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 4 июль,
ПҚ–2203-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2014 йил 4 июлдаги
ПҚ–2203-сонли қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 5 августдаги ПҚ–1169-сонли қарорига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 5 августдаги ПҚ–1169-сонли қарорининг 1-илласида:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

15-товар гуруҳида:

тўртинчи сатрдан кейин қўйидаги мазмундаги сатр билан тўлдирилсин:

	1511	пальма ёғи	25
--	------	------------	----

Бешинчи-олтинчи сатрлар тегишли равишда олтинчи-еттинчи сатрлар деб ҳисоблансин;

олтинчи сатрдан кейин қўйидаги мазмундаги сатр билан тўлдирилсин:

	1513 21 1513 29	пальма меваси ёғи	25
--	--------------------	-------------------	----

еттинчи — ўнинчи сатрлар тегишли равишда тўққизинчи — ўн иккинчи сатрлар деб ҳисоблансин.